

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича
идоравий назоратни ташкил этиш
ТАРТИБИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмларини, уларни амалга оширишга масъул Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг вазифаларини, идоравий назорат механизмларининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва эълон қилиб бориш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартиб қоидалари Қўмита марказий аппаратида амал қилади.

3. Ушбу Тартибда белгиланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишга масъул Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ижросини сўзсиз амалга оширилишига ҳамда уларнинг ижроси юзасидан маълумотларни Давлат статистика қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссиясига (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тақдим этиб борилишига масъул ҳисобланадилар.

**2-боб. Ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича
идоравий назоратни ташкил этиш механизмлари**

4. Қўмита марказий аппарати ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоравий назорат мазкур Тартибнинг 5-13-бандларида келтирилган механизмлар асосида таъминланади.

5. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан ўзлари масъул бўлинма(лар)да ходимлар ўртасида ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган ўз лавозим вазифа ва мажбуриятларини бажаришда ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилиш, ҳар қандай кўринишдаги сансалорлик, ўзибўларчилик, лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари ўтказиб борилиши – ҳар чоракда Комиссия томонидан мониторинг қилиб борилади.

6. Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги махсус ўқув дарсларини тўлиқ, сифатли, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ҳужжатлар, халқаро ташкилотларнинг тадқиқотлари натижаларидан кенг фойдаланган ҳолда юқори савияда ўтказилиши, шунингдек ўқув материалларини мунтазам равишда янгиллаб, такомиллаштириб борилиши, ўқув курслари якуни бўйича иштирокчилар билимини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус тест синовларидан ҳолисона ўтказилиши – ҳар ойда Комиссия томонидан мониторинг қилиб борилади.

7. Қўмита томонидан давлат статистика органлари фаолиятини очиклигини таъминлаш, ахборотлардан фойдаланувчиларнинг тўғридан-тўғри Қўмитага мурожаатларини камайтириш, маълумотларни тезкор равишда Қўмита расмий веб-сайти орқали олишлари учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида, Қўмита расмий веб-сайтини такомиллаштириб бориш, унинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш, очик маълумотлар кўламини кенгайтириш, алоҳида режа-жадвал асосида маълумотларни мунтазам равишда янгиллаб ва тўлдириб бориш, статистик маълумотларни интерактив равишда етказиш юзасидан назорат – доимий равишда Ахборотларни тарқатиш, халқаро ахборот алмашув ва жамоатчилик алоқалари бошқармаси томонидан амалга оширилади.

8. Ҳисобот топширувчи субъектлардан давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш жараёнида коррупция хавфини бартараф этиш, ўзаро муносабатларнинг контактсиз шаклларида самарали фойдаланиш мақсадида, давлат статистика ҳисоботларини қатъий равишда Қўмитанинг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон қарори (рўйхат рақами 2479, 2014 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 380-модда) билан тасдиқланган Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида қабул қилиниши бўйича назорат – ҳар бир ҳисобот шаклини тақдим этиш муддати бўйича Қўмита марказий аппарати тармоқ бошқармалари раҳбарлари томонидан таъминланади.

9. Қўмита ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари – доимий равишда Кадрлар бошқармаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг одоб-ахлоқ комиссияси томонидан назорат қилиб борилади.

10. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Қўмитада ички назорат тизимини янада мустаҳкамлаш, жумладан бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда ҳўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, товар (иш, хизмат)лар бўйича харидларни амалга оширишда шаффофликни, шунингдек қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилинишини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-тарож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ишларини бевосита назорат қилиш – доимий равишда Қўмита Раиси ва Молия-иқтисодиёт бошқармаси томонидан олиб борилади.

11. Раис ўринбосарлари, Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари томонидан мурожаатларни қонун ҳужжатларига ҳилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарорлар қабул қилиш ёки мурожаатларни кўриб чиқишни бошқача тарзда бузиш ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олиш мақсадида, мурожаатларни кўриб чиқиш ишларини “stat.doc” электрон дастури орқали назорат қилиб бориш – қўндалик асосда Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси томонидан амалга оширилади.

12. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларида коррупциявий нормаларнинг ҳамда коррупциявий ҳолатларга олиб қилиши мумкин

бўлган хавфларнинг мавжуд бўлишини олдини олиш юзасидан назорат – ушбу ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш орқали Юридик бўлим томонидан олиб борилади.

13. Қўмита ходимлари ҳамда Қўмитага ташриф буюрувчиларнинг Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати биносига кириб-чиқишлари юзасидан назорат – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати биносига кириш-чиқиш режими ва ички идоравий қўриқлашни ташкил этиш тартибига асосан, турникет, видео-кузатув ҳамда дастурий таъминот воситалари орқали, ўз ваколатлари доирасида, кундалик асосда Кадрлар бошқармаси, Ахборот хавфсизлиги бошқармаси ва Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

3-боб. Ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмлари самарадорлигининг таҳлилини ўтказиш ва эълон қилиб бориш

14. Ушбу Тартибда келтирилган идоравий назорат механизмларини амалга оширишга масъул Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари, ўзлари масъул бўлган йўналишлар бўйича Қўмита томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга ходимларнинг риоя этишлари ҳолатини таҳлил қилиб борадилар, умумлаштирадилар ва Комиссия мажлисларида ҳисобот бериб борадилар.

15. Комиссия мажлисларида, ҳар чоракда:

Тартибда белгиланган идоравий назорат механизмларининг самарадорлиги таҳлилий муҳокама қилинади;

ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмларини амалга оширишга масъул Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади;

қуйи тизим органларида ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича белгиланган идоравий назорат механизмларини амалга ошириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ҳолати муҳокама этилади;

йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

16. Қўмита томонидан давлат статистикаси соҳасида коррупция ҳолатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида, алоҳида режа-жадвалига мувофиқ махсус сўровномалар асосида Қўмита расмий веб-сайти орқали жисмоний ва юридик шахслар ўртасида сўровлар ўтказиш орқали, тизим ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ўрганилади ва таҳлил қилинади, таҳлил натижаларига кўра келгусида амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланади.

17. Ўтказилган мажлислар, таҳлиллар якунлари бўйича тегишли материаллар Қўмита расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

4-боб. Якуний қонда

18. Ушбу тартибни бузилишида айбдор бўлган Қўмита ходимлари ва масъул раҳбарлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.